

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИҚУЛОВ АЗИЗБЕК СОБИРОВИЧ**

**ТАРКИБИДА ЙОД САҚЛОВЧИ АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ҚЎШИЛМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 -ТОВАРЛАР КИМЁСИ**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хожикулов Азизбек Собирович**

Таркибида йод сақловчи айрим озиқ-овқат қўшилмаларини ўрганиш  
ва уларни синфлаш..... 3

**Ходжикулов Азизбек Собирович**

Изучение некоторых йодосодержащих пищевых добавок и их  
классификация..... 21

**Khodjikulov Azizbek Sobirovich**

Study of some iodine-containing food supplements and their  
classification..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 41

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖИҚУЛОВ АЗИЗБЕК СОБИРОВИЧ**

**ТАРКИБИДА ЙОД САҚЛОВЧИ АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ҚЎШИЛМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 -ТОВАРЛАР КИМЁСИ**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К345 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч хил тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аскарров Иброҳим Раҳмонович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмадалиев Махаммаджон**  
техника фанлари доктори, доцент

**Исаев Юсуфжон Тожимамаатович**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.12.2019.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “24” VI соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш. Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (99873) 244 44 02. факс: (99873) 244 44 91)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш. Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (99873) 244 44 02. факс: (99873) 244 44 91 e-mail: [alijon.ibragimov48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov48@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил “11” VI куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

**В.У.Хўжаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

*[Handwritten signature]*

**М.Нишонов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

*[Handwritten signature]*

**Ш.В. Абдуллаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д. профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда йод танқислиги туфайли эндемик буқоқ, креатинизм, гипотиреоз, ақлан ва жисмонан заифлик каби мураккаб касалликларга чалинган беморлар сони тобора ортиб бормоқда. Йод танқислигини олдини олувчи самарали синтетик дори воситалари яратилган ва амалиётга жорий қилинган бўлсада, мазкур дори воситалари бутун инсониятни йодга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмаётгани барчага маълум. Шунинг учун маҳаллий ўсимлик манбалари асосида таркибида йод сақлаган, самарали таъсирга эга, экологик тоза, зарарсиз, табиий шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда таркибида йод сақлаган бир нечта турдаги “Йодорал”, “Йод фаол”, “Йодомарин”, “Витрум плус” каби синтетик дорилар, “Калий йодид”, “Микройод”, “Тиреоидин” каби профилактик воситалар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган. Мазкур дори воситаларидан ҳозирда йод танқислигини олдини олиш ва даволаш мақсадида кенг фойдаланиб келинмоқда, бироқ аҳоли орасида йод танқислигидан келиб чиқаётган касалликларга чалинаётганлар сони ортиб бормоқда. Бу ҳолатдан келиб чиқиб, янги турдаги, таркибида йод сақловчи, самарали озиқ-овқат қўшилмаларини яратишни ва амалиётга жорий қилишни ҳозирги вазият тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам, ўсимлик манбалари асосида инсон соғлиги учун безарар бўлган, таркибида йод сақловчи табиий, шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида ўсимлик маҳсулотлари асосида тайёрланган турли хил биологик фаол озиқ-овқат қўшилмалари ва синтетик дори воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, таркибида йод сақлаган ўсимлик мевалари асосида, экологик тоза, зарарсиз, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган табиий шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш, таркиби ва хусусиятларини ўрганиш, кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН қоидаларига биноан синфлаш, ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон “Ўзкимёсаноат АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Кимё технологиялари, нефть кимё ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таркибида йод сақловчи биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқариш соҳасида кўплаб олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Жумладан, МДХ давлатларида Ф.С.Базрова, А.Н.Мамцев, И.С.Хамагаева, Н.М.Аминина, А.В.Гиносян, А.С.Оганесянлар томонидан таркибида йод сақлаган денгиз сув ўтлари, ўсимликлар мева экстрактлари билан бойитилган консервантлардан биологик фаол қўшилмалар ва йодли пробиотиклар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Америка Қўшма Штатларида J.Patel, E.G.Ershou, D.M.Merkel, P.R.Persson, M.V.Zimmermann каби бир қатор олимлар томонидан йод танқислиги муаммосини бартараф этишда йод билан бойитилган хайвон оксиди ва мева эссенцияларидан озик-овқат қўшилмалари сифатида фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда Й.Х.Тўрақулов, Р.К.Ислombeковлар эндемик бўқоқ касаллиги устида клиник ва биокимёвий тадқиқотлар олиб боришган. И.Р.Асқаров томонидан таркибида йод сақловчи ўсимликлардан “Алқаён” ва “Алкоман” номли озик-овқат қўшилмалари яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан физиологик фаол озик-овқат қўшилмаси сифатида амалиётда фойдаланиш учун расмий рўйхатга олинган. Лекин ўсимлик мевалари, жумладан, хурмо, ошқовоқ мевалари ва лимон пўстлоғи экстрактлари асосида таркибида йод сақлаган шифобахш озик-овқат қўшилмалари яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунинг учун таркибида йод сақловчи шифобахш ўсимликлар мева ва уруғи экстрактлари асосида янги озик-овқат қўшилмалари яратиш, уларнинг кимёвий таркиби ва хоссаларини ўрганиш, уларга ТИФ ТН қоидаларига асосан кимёвий таркиби бўйича янги товар кодларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** айрим шифобахш ўсимликлар мевалари асосида таркибида йод сақлаган янги озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН қоидалари бўйича синфлаб, уларга

янги халқаро код рақамлари таклиф этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мева ва полиз маҳсулотлари таркибидаги йоднинг миқдори ва шифобахшлик хусусиятларини таҳлил қилиш асосида таркибида йод сақлаган озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш;

хурмо, ошқовоқ ва лимон пўстлоғи сувли экстрактлари биологик фаоллигини ва шифобахшлигини антиоксидантлик хусусияти орқали баҳолаш;

хурмо, ошқовоқ ва лимон пўстлоғи сувли экстрактлари таркибидаги йоднинг миқдорини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;

янги шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш, уларни оптимал таркибини ишлаб чиқиш ва саноат усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

олинган янги озиқ-овқат қўшилмаларини кимёвий таркибига қўра ТИФ ТН қоидалари асосида синфлаб, янги код рақамларини киритиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хурмо, лимон ва ошқовоқ асосида тайёрланадиган таркибида йод сақлаган озиқ-овқат қўшилмалари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ошқовоқ асосида тайёрланадиган таркибида йод сақловчи озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш, уларни кимёвий таркибини ўрганиш ва кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш методларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мазкур диссертация ишида кимёвий анализ, потенциометрик титрлаш, спектрофотометрик, йодометрик таҳлил ва ТИФ ТН бўйича синфлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хурмо, ошқовоқ ва лимон пўстлоғидан йодга бойитилган сувли экстрактлар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

олинган сувли экстрактларнинг антиоксидантлик фаолликлари спектрофотометрия усулида таҳлил қилиниши натижасида уларнинг шифобахшлик хусусияти баҳоланган;

хурмо, ошқовоқ ва лимон пўстлоғи асосида олинган озиқ-овқат қўшилмалари таркибидаги йоднинг миқдори потенциометрик титрлаш ва йодометрик таҳлил методлари ёрдамида аниқланган;

“ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли табиий, йодга бой янги ишлаб чиқилган озиқ-овқат қўшилмаларини кимёвий таркиби бўйича ТИФ ТН қоидалари асосида синфланиб, уларга янги товар коди ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ошқовоқ мева экстрактлари асосида таркибида йод сақлаган “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли янги озиқ-овқат қўшилмалари яратилган;

йодли ошқовоқ мева экстрактлари асосида олинган ва таркибида 50% дан ортиқ ошқовоқ сақловчи озиқ-овқат қўшилмаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, ТИФ ТН қоидаларига биноан товар коди ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган озиқ-овқат қўшилмаларининг шифобахшлик хусусиятлари антиоксидантлик,

потенциометрик ва йодометрик таҳлил натижалари замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб ўлчанганлиги, тажрибаларда олинган натижаларнинг замонавий физик-кимёвий методлар ёрдамида олинган натижаларга мос келиши, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги ва ООО “СИБУС NATURAL” корхонасида амалиётга жорий этилганлигини ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ошқовоқ асосида таркибида йод сақлаган озиқ-овқат қўшилмаларини олиш усуллари ишлаб чиқилганлиги, олинган барча янги озиқ-овқат қўшилмаларининг кимёвий таркиби ва шифобахшлик хусусиятлари кимёвий таҳлил, потенциометрик ва йодометрик титрлаш, спектрофотометрия методлари ёрдамида антиоксидантлик ва йод миқдорини аниқлаш таҳлиллари олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Ошқовоқ мева экстракти асосида тайёрланган, таркибида йод сақловчи “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли янги шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларини Андижон шаҳрида фаолият олиб бораётган ООО “СИБУС NATURAL” корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Таркибида йод сақловчи айрим озиқ-овқат қўшилмаларини яратиш ва уларни синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ошқовоқ мева экстракти асосида тайёрланган таркибида йод сақловчи “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли янги шифобахш озиқ-овқат қўшилмалари Андижон шаҳрида фаолият олиб бораётган ООО “СИБУС NATURAL” корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 04-мартдаги № 02/032-910 сонли маълумотномаси). Натижада таркибида йод сақлаган табиий озиқ-овқат қўшилмалари ёрдамида йод танқислигини олдини олиш имконини берган;

ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича таркибида 50% дан ортиқ ошқовоқ сақловчи озиқ-овқат қўшилмалари учун 0709 93 900 1 товар коди ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 6-ноябрдаги № 1/16-375 сонли маълумотномаси). Натижада таркибида 50% дан ортиқ ошқовоқ сақлаган озиқ-овқат қўшилмаларини экспорт ва импорт қилишда улардан ундирилайдиган бож тўловларини назорат қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган

илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 6 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, 21 та жадвал, 10 та расми графиклар, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Йод танқислигини бартараф этишда синтетик дори воситалари ва биологик фаол қўшилмаларининг аҳамияти ва уларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш(адабиётлар таҳлили)” деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, инсон организми учун йод элементининг аҳамияти, таркибида йод сақловчи синтетик дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби, таркибида йод сақловчи озиқ-овқат қўшилмалари ва уларни кимёвий таркиби бўйича синфланиши, хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқнинг кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятлари, антиоксидантлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бўйича замонавий тадқиқот натижалари келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объектларида олиб борилган тажрибалар натижалари ва уларнинг муҳокамаси” деб номланган иккинчи бобида хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ мева экстрактларидан олинган таҳлил қилинувчи эритмаларнинг фотохимёвий таҳлиллари, таркибидаги йод миқдорини аниқлаш учун олиб борилган потенциометрик ва йодометрик титрлаш натижалари келтирилган.

Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ мева экстрактларидан олинган таҳлил қилинувчи эритмаларнинг спектрофотометрик таҳлилларида текширилган намуналарнинг оптик зичликлари қийматлари асосида уларнинг антиоксидант фаоллиги (%) қуйидагича ҳисобланди:

$$AA = \frac{(D_1 - D_2) * 100}{D_1} = \frac{(0,29208 - 0,2541) * 100}{0,29208} = 13,0 \%$$

Аниқланган ҳисоблашлар натижалари 1-жадвалда келтирилган. Адреналиннинг *in vitro* шароитида аутооксидланиш методи билан намуналарнинг антиоксидантлик фаоллиги аниқланди ва фотохимёвий текширувлар орқали баҳоланди.

Текширилувчи намуналарнинг антиоксидант фаоллигини қиёсий таҳлил қилиш мақсадида стандарт намуна сифатида антиоксидантлик хоссаларини намоён қилувчи фармацевтика ва тиббиётда ишлатиладиган гликлазид ( $C_{15}H_{21}N_3O_3S$ ), ҳамда озиқ-овқат саноатида БФҚ сифатида ишлатиладиган кверцетин ( $C_{15}H_{10}O_7$ ) моддаларидан фойдаланилди.


1-жадвал

Хурмо навлари, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ мева экстрактларининг спектрофотометрик ва антиоксидант фаоллиги (АА%) кўрсаткичлари


№	Таҳлил қилинувчи эритмалар	Назорат (D <sub>1</sub> )	Таҷриба (D <sub>2</sub> )	АА%
<b><i>Diospyros kaki(XIII)</i></b>				
1	Diospyros kaki (XIII) - (10%) 100 мг/мл	0,29208	0,2541	<b>13,0</b>
2	Diospyros kaki (XIII) - (25%) 250 мг/мл	0,24964	0,2122	<b>14,9</b>
3	Diospyros kaki (XIII) - (50%) 500 мг/мл	0,19449	0,1640	<b>15,6</b>
4	Diospyros kaki (XIII) - (75%) 750 мг/мл	0,21651	0,1810	<b>16,4</b>
5	Diospyros kaki (XIII) - (100%) 1000 мг/мл	0,28018	0,2319	<b>17,2</b>
<b><i>Diospyros kaki(KX)</i></b>				
1	Diospyros kaki (KX) - (10%) 100 мг/мл	0,21561	0,1822	<b>15,5</b>
2	Diospyros kaki (KX) - (25%) 250 мг/мл	0,23685	0,1940	<b>18,1</b>
3	Diospyros kaki (KX) - (50%) 500 мг/мл	0,20312	0,1657	<b>18,4</b>
4	Diospyros kaki (KX) - (75%) 750 мг/мл	0,22234	0,1804	<b>18,8</b>
5	Diospyros kaki (KX) - (100%) 1000 мг/мл	0,28612	0,2294	<b>19,8</b>
<b><i>Exocarpium Citri L</i></b>				
1	Exocarpium Citri L (10%) 100 мг/мл	0,19179	0,1642	<b>14,38</b>
2	Exocarpium Citri L (25%) 250 мг/мл	0,29216	0,2389	<b>18,23</b>
3	Exocarpium Citri L (50%) 500 мг/мл	0,24811	0,2024	<b>18,42</b>
4	Exocarpium Citri L (75%) 750 мг/мл	0,30005	0,2369	<b>21,04</b>
5	Exocarpium Citri L (100%) 1000 мг/мл	0,40394	0,3012	<b>25,43</b>
<b><i>Cucurbita pepo L</i></b>				
1	Cucurbita pepo L - (10%) 100 мг/мл	0,23611	0,1970	<b>16,56</b>
2	Cucurbita pepo L - (25%) 250 мг/мл	0,27326	0,2247	<b>17,77</b>
3	Cucurbita pepo L - (50%) 500 мг/мл	0,29455	0,2384	<b>19,06</b>
4	Cucurbita pepo L - (75%) 750 мг/мл	0,36258	0,2918	<b>19,52</b>
5	Cucurbita pepo L - (100%) 1000 мг/мл	0,36806	0,2927	<b>20,47</b>
6	Гликлазид - (10%) 100 мг/мл	0,02782	0,0235	<b>2,0</b>
7	Гликлазид - (25%) 250 мг/мл	0,03895	0,0329	<b>2,8</b>
8	Гликлазид - (50%) 500 мг/мл	0,06955	0,0587	<b>5,0</b>
9	Гликлазид - (75%) 750 мг/мл	0,11823	0,0998	<b>8,5</b>
10	Гликлазид - (100%) 1000 мг/мл	0,13909	0,1174	<b>10,0</b>
11	Кверцетин - (10%) 100 мг/мл	0,11128	0,0940	<b>8,0</b>
12	Кверцетин - (25%) 250 мг/мл	0,18778	0,1586	<b>13,5</b>
13	Кверцетин - (50%) 500 мг/мл	0,27819	0,2396	<b>20,0</b>
14	Кверцетин - (75%) 750 мг/мл	0,38251	0,3294	<b>27,5</b>
15	Кверцетин - (100%) 1000 мг/мл	0,67247	0,5348	<b>34,7</b>

Текширилаётган намуналарнинг 5 хил концентрацияли эритмаларининг АА фаоллигини концентрацияга боғлиқлиги графиклари Diospyros kaki (XIII) - намунаси учун 1-расмда, Diospyros kaki (KX) - намунаси учун 2-


расмда, *Exocarpium Citri L*- намунаси учун 3-расмда, *Cucurbita pepo L*- намунаси учун 4-расмда келтирилган.




1-расм. *Diospyros kaki*(XIII) намунасининг антиоксидантлик хусусиятининг концентрацияга боғлиқлиги



2-расм. *Diospyros kaki*(KX) намунасининг антиоксидантлик хусусиятининг концентрацияга боғлиқлиги



3-расм. *Exocarpium Citri L* намунасининг антиоксидантлик хусусиятининг концентрацияга боғлиқлиги



4-расм. *Cucurbita pepo L* - намунасининг антиоксидантлик хусусиятининг концентрацияга боғлиқлиги

Олиб борилган таҳлиллар барча меваларнинг экстрактларидан тайёрланган эритмаларнинг антиоксидантлик хусусиятлари мавжудлигини кўрсатди.

Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ меваларидан тайёрланган эритмалар таркибидаги йод миқдорини аниқлаш учун потенциометрик титрлаш усулидан фойдаланилди. Аниқ ва тақрибий титрлашлар натижалари 2-жадвалга киритилди.

Жадвалдаги натижалардан ЭЮК нинг кескин сакраб ўзгариши тақрибий титрлашда 5 мл, аниқ титрлашда 7 мл титрант соҳасига тўғри келиши кўриниб турибди. Тақрибий титрлашда 4 мл, аниқ титрлашда эса 6 мл титрант

қўшилгандан кейин эквивалент нуктани аниқ топиш учун томчилаб титрлаш бошланди.

2-жадвал

Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ мева экстрактларини  
потенциометрик титрлаш натижалари

Хурмо мева экстрактларини потенциометрик титрлаш натижалари			Лимон пўстлоғи экстрактларини потенциометрик титрлаш натижалари			Ошқовоқ мева экстрактларини потенциометрик титрлаш натижалари		
Қўшилган титрант ҳажми, (томчи)мл	Ўлчанган ЭЮК қиймаглари, мВ	ЭЮК қиймаглари фарқи	Қўшилган титрант ҳажми, (томчи)мл	Ўлчанган ЭЮК қиймаглари, мВ	ЭЮК қиймаглари фарқи	Қўшилган титрант ҳажми, (томчи)мл	Ўлчанган ЭЮК қиймаглари, мВ	ЭЮК қиймаглари фарқи
1	400	-	1	400	-	1	400	-
2	400	-	2	400	-	2	400	-
3	398	0,02	3	398	0,02	3	398	0,02
4	394	0,04	4	396	0,02	4	396	0,02
5	220	1,74	5	390	0,06	5	280	1,16
6	200	0,20	6	274	1,16	6	254	0,26
7	184	0,16	7	258	0,16	7	230	0,24
8	170	0,14	8	246	0,12	8	208	0,22
9	158	0,12	9	236	0,10	9	188	0,20
10	148	0,10	10	228	0,08	10	170	0,18
11	140	0,08	11	222	0,06	11	154	0,16
12	134	0,06	12	218	0,04	12	140	0,14
13	134	-	13	216	0,02	13	128	0,12
14	134	-	14	214	0,02	14	118	0,10
			15	214	-	15	110	0,08

Анализ натижаларини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилди:

$$\chi = \frac{N_{Na_2S_2O_3} V_{Na_2S_2O_3} \mathcal{E}_{KJO_3} V_{er}}{1000 V_{ek}}$$

Бу ерда,  $N_{Na_2S_2O_3}$  - титрантнинг нормаллиги;

$V_{Na_2S_2O_3}$  – титрантнинг сарфланган ҳажми, мл;

$\mathcal{E}_{KJO_3}$  - текшириладиган эритмадаги йод бирикмасини эквивалент моляр массаси;


$V_{er}$  - текшириладиган эритманинг умумий ҳажми, мл;

$V_{ek}$  - титрант эритмасининг эквивалент нуктадаги сарфланган ҳажми, мл.


Титрлаш қайдномасига киритилган қийматлар асосида титрлаш эгри чизиқлари тузилди.

Потенциометрик титрлаш жараёнида хурмо экстракти эритмасидан титрлаш учун 10 мл ҳажмига 15 мл дистилланган сув қўшилган ҳолда натрий тиосульфат билан титрланганда эквивалент нуктасида титрантнинг


сарфланган ҳажми 5 мл, умумий сарфланган титрант ҳажми эса 14 мл га тенг бўлди.



5-расм. Хурмо экстракти эритмасидаги йод миқдорини потенциометрик титрлаш графиги



6-расм. Лимон экстракти эритмасидаги йод миқдорини потенциометрик титрлаш графиги



7-расм. Ошқовоқ экстракти эритмасидаги йод миқдорини потенциометрик титрлаш графиги

Тажрибада ишлатилган титрантнинг нормаллиги 0,01 н га текширилувчи хурмо эритмаси таркибидаги йод бирикмаси калий йодатнинг эквиваленти 214 га тенглигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула асосида хурмо экстракти таркибидаги йоднинг миқдори аниқланди:

$$\chi = \frac{N_{Na_2S_2O_3} V_{Na_2S_2O_3} \mathcal{E}_{KJO_3} V_{er}}{1000 V_{ek}} = \frac{0,01 \cdot 14 \cdot 214 \cdot 10}{1000 \cdot 5} = 0,0599 \text{ мг} = 59,9 \text{ мкг}$$

Лимон пўстлоғи экстракти эритмасини 10 мл ҳажмига 15 мл дистилланган сув қўшилган ҳолда потенциометрик титрлашни олиб бориш учун титрант сифатида олинган натрий тиосульфатни 0,0001 н ли эритмасидан 15 мл сарфланди.

Титрантнинг эквивалент нуқтадаги сарфланган ҳажми 6 мл га тенглигини ҳисобга олиб таркибидаги йоднинг миқдорини аниқланди:

$$\chi = \frac{N_{Na_2S_2O_3} V_{Na_2S_2O_3} \mathcal{E}_{KJO_3} V_{er}}{1000 V_{ek}} = \frac{0,0001 \cdot 15 \cdot 214 \cdot 10}{1000 \cdot 6} = 0,00053 \text{ мг} = 0,53 \text{ мкг}$$

Ошқовоқ экстракти эритмасини 10 мл ҳажмига 15 мл дистилланган сув қўшилган ҳолда потенциометрик титрлаш учун титрантнинг 0,0001 н ли эритмасидан 20 мл сарфланди. Титрантнинг эквивалент нуқтадаги сарфланган ҳажми 5 мл га тенглигини ҳисобга олиб таркибидаги йоднинг миқдори аниқланди:

$$\chi = \frac{N_{Na_2S_2O_3} V_{Na_2S_2O_3} \mathcal{E}_{KIO_3} V_{er}}{1000 V_{ek}} = \frac{0,0001 \cdot 20 \cdot 214 \cdot 10}{1000 \cdot 5} = 0,00085 \text{ мг} = 0,85 \text{ мкг}$$

Хурмо, лимон ва ошқовоқ мева эритмалари таркибидаги йодни миқдорларини потенциометрик ва йодометрик аниқлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Потенциометрик аниқлашлар натижаларини тўғрилигини баҳолаш учун хурмо, ошқовоқ меваси ва лимон пўстлоғи таркибидаги йод миқдорини йодометрик титрлаш усулида ҳам бевосита аниқланди.

Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ мевалари таркибидаги йод миқдори потенциометрик ва йодометрик титрлаш усулларида таҳлил қилинганда 100 г хурмо меваси таркибида 59,9 мкг, лимон пўстлоғи таркибида 0,53 мкг, ошқовоқ мевасида 0,85 мкг йод бўлиши аниқланди.

3-жадвал

Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ мева эритмаларидаги йод ионларини потенциометрик ва йодометрик аниқлаш натижалари

№	Таҳлил қилинувчи объектлар	Назарий миқдори, мкг	Таҳлил натижалари, 100 г намунага нисбатан ( $\chi$ , мкг)	
			Потенциометрик титрлаш	Йодометрик титрлаш
1	Хурмо	60	59,9	57
2	Лимон	0,6	0,53	0,49
3	Ошқовоқ	1,0	0,85	0,77

Диссертациянинг “Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ экстрактларининг антиоксидант фаолликлари ва таркибидаги йод миқдорини аниқлаш усуллари(ТАЖРИБА ҚИСМ)” деб номланган учинчи бобида хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ экстрактларини олиш ва таҳлилга тайёрлаш, олинган экстрактлар эритмаларининг антиоксидант фаоллигини ўрганиш тажрибалари, таркибидаги йод миқдорини потенциометрик ва йодометрик титрлаш усулида аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар келтирилган.



8-расм. Хурмо, лимон пўстлоғи ва ошқовоқ экстрактларини олиниш схемаси

Тажриба учун *Diospyros kaki* (XIII) хурмо шоколад, *Diospyros kaki* (KX) Королёк-Хиакуме хурмо навлари мевалари, *Exocarpium Citri* L-лимон меваси пўстлоғи ва *Cucurbita pepo* L-ошқовоқ меваси сувли экстрактлари 8-расмда кўрсатилган тартибда олинди. Тадқиқ қилинадиган намуналарнинг антиоксидантлик фаоллиги фотохимёвий текширувлар орқали аниқланди. Намуналарнинг антиоксидантлик фаоллиги адреналиннинг *in vitro* шароитида аутооксидланиш реакциясининг ингибитирланиши билан олиб борилди, ҳамда кислороднинг эркин шаклини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиши текширилди.

Метод адреналиннинг аутооксидланиш реакциясининг ингибитирланишига асосланган, намуналарнинг *in vitro* шароитида адреналинни вақт давомида кислороднинг эркин шаклини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиши билан аутооксидланиш (%) фоизларда ифодаланади.

Бунинг учун 0,2 М натрий карбонат ( $\text{Na}_2\text{CO}_3\text{-NaHCO}_3$ )  $\text{pH}=10,65$  ли буферидан 2,0 мл, адреналин (эпинефрин) гидрохлориднинг 0,18 % эритмасидан 56 мл олиниб, унга 30 мл антиоксидант намуна қўшилди, ҳамда тез аралаштириб 30 сониядан 10 дақиқа мобайнида 347 нм тўлқин узунлигида 10 мм кюветада Cary 60 UV-Vis Agilet Technologies спектрофотометрида эритмаларнинг оптик зичликлари текширилди. Тадқиқ қилинаётган экстрактнинг (1 мл даги миқдори 1 мг) миқдори стандарт сифатида ишлатилди. Назорат намуна сифатида 0,2 М 2,0 мл буфер, 0,18 % 56 мл (5,46 мМ) адреналиндан фойдаланилди.

Антиоксидант фаоллигини адреналиннинг аутооксидланишини ингибитирланишига қараб фоизларда ифодаланди ва қуйидаги формула билан ҳисобланди:

$$AA = \frac{D_1 - D_2}{D_1}, \%$$

Бу жойда;  $D_1$  – буферга қўшилган адреналин гидрохлорид эритмасининг оптик зичлиги;

$D_2$  – буферга қўшилган тадқиқ қилинаётган экстрактнинг ва адреналин гидрохлориднинг оптик зичлиги.

Анализ учун тайёрланган хурмо, лимон ва ошқовоқ намуналари эритмаларидаги йодни потенциометрик текшириш учун олинган эритмалардан 50 мл дан ажратиб олиниб, таркибидаги  $I^-$  ионини потенциометрик титрлаш орқали йоднинг эритмадаги миқдори аниқланди. Йодни потенциометрик аниқлашда I-130 иономери қўлланилди.

Бу жараёнда иономер потенциални ўлчашга созланди ва титрлаш ҳажми 25 мл бўлган микробюреткадаги  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$  нинг стандарт эритмасидан ҳар 40-60 секундда титрант улушларини қўшиш орқали амалга оширилди. Текшириладиган филтрат таркибидаги йод миқдори жуда кам бўлганлиги учун титрлашни титрантнинг улушларини томчилаб қўшиш орқали титрлаш жараёни амалга оширилди.

Ҳар бир улуш (томчи) титрант қўшилгандан сўнг 40-60 секунд ўтгач иономер кўрсаткичи ўзгармас ҳолатга келишигача кутилиб, шу потенциал

қийматлар титрлаш баённомасида қайд қилиб борилди. Энг катта потенциал сакрашига тўғри келадиган томчигача бўлган титрант ҳажми эквивалентлик нуктасига тўғри келадиган ҳажм сифатида қабул қилинди. Параллел ўтказилган 6-7 қайта такрорланувчан тажрибалар натижалари асосида йоднинг миқдори ҳисобланди.

Хурмо, лимон ва ошқовоқ мева экстрактлари таркибидаги йодни потенциометрик усулда аниқланган миқдорини баҳолаш учун йодометрик титрлаш усулдан фойдаланилди.

Таҳлил учун олинган 10 мл синов намунасининг ўлчанган ҳажмига 100 мл дистилланган сувда ҳажми 250 мл бўлган конуссимон колбада эритилди. Олинган эритма лойқа бўлганлиги учун у филтрланди. Олинган эритмага 1 мл 2 н ли  $H_2SO_4$  эритмаси қўшилди, аралаштириб турилган ҳолда унинг устига 5 мл 10 % KI эритмасидан қўшиб аралаштирилди, идишни тиқин билан ёпилиб 10 дақиқага қоронғи жойга қўйилди. Чунки титрлашдан олдин, реакция аралашмада ёруғлик таъсирида қўшимча жараён, йодид ионларини йодгача оксидланиши содир бўлиши мумкин.

Тўқ сариқ рангга эга бўлган синов эритмасига ранги оч-сариқ рангга келгунча аралаштириб аралашмага бюреткадан 0,01 н ли  $Na_2S_2O_3$  қўшилди. Синов эритмасига тахминан 2 мл крахмал индикатори эритмасини қўшилганда аралашма қўнғир кўк рангга эга бўлди. Эритманинг охириги ранги йўқолгунча титрлаш давом эттирилди.

Таҳлил учун олинган эритмадаги йоднинг, мг миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$\chi = \frac{N_t * V_t * E_a * V_{er}}{1000 V_{ek}}$$

Бу ерда,  $N_t$  - титрантнинг нормаллиги;

$V_t$  – титрантнинг сарфланган умумий ҳажми, мл;

$E_a$  – текшириладиган эритмадаги йод бирикмасини эквивалент моляр массаси;

$V_{er}$  – текшириладиган намунани ҳажми, мл;

$V_{ek}$  – титрант эритмасининг эквивалент нуктадаги сарфланган ҳажми, мл.

Диссертациянинг “Шифобахш ўсимликлардан озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқариш ва уларни кимёвий таркибига кўра синфлаш” деб номланган тўртинчи бобида ошқовоқ асосида “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли озиқ-овқат қўшилмалари тайёрлаш ва саноат усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ҳамда олинган озиқ-овқат қўшилмаларини кимёвий таркибига кўра синфлаш ва ТИФ ТН бўйича товар кодларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Хурмо меваси таркибида йоднинг миқдори ошқовоқ мевасига нисбатан кўп бўлишига қарамасдан, хурмо мевасини қайта ишланмаган ҳолда истеъмол қилиш мумкинлигини, унинг инсон организми учун айрим салбий ҳусусиятларга эга эканлигини ва ошқовоқнинг хурмога нисбатан антиоксидантлик ҳусусиятлари юқори бўлишини, ҳамда ошқовоқ гелминт (гижжа) ларга қарши самарали восита эканлигини ҳисобга олган

ҳолда ошқовоқ меваси асосида озиқ-овқат қўшилмаси яратишга қарор қилинди.

2-7 ёшгача бўлган болаларни кунлик йодга бўлган эҳтиёжи 110-130 мкг га тенглигини ҳисобга олиб, ошқовоқ таркибида 0,85-1,0 мкг гача йод бўлганлиги учун ундан тайёрланадиган озиқ-овқат қўшилмалари йодланган туз ва биойод концентрати билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқарилди.

Ошқовоқнинг кимёвий таркибини таҳлил қилиш бўйича олиб борган илмий изланишларимиз натижасида унинг меваси, уруғи, гули ва барглари ҳам жуда бой кимёвий таркибга эга эканлиги аниқланди.

Саноатда ошқовоқ меваси асосида “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқариш ўзаро кетма кетликда амалга оширилади. Бунинг учун пўчоғидан тозаланган ошқовоқ мевасини гўштли қисми сқилиб олинган суюқ шарбатидан “ТЫКВА” номли озиқ-овқат қўшилмаси ва қолган қаттиқ пулпа қисмидан “НАЧИНКИ” номли озиқ-овқат қўшилмаси ишлаб чиқарилади.

Ошқовоқ бўтқаси учун мўлжалланган ошқовоқ мевалари олдиндан сараланади. Саралашдан сўнг, қовоқ ювилади. Қовоқни ювиш орқали мева пўстидаги чанг ва лойдан тозаланади. Ювиб бўлгандан кейин, қовоқ куйдирилади. Бунда улар таркибидаги протопектиннинг парчаланиши ҳисобига юмшоқ ҳолатга келиб қолади. Куйдирилганда, қовоқ массасининг бактериал ифлосланиши ҳам камаяди.


Қайноқ сувли сув хаммомида ошқовоқ 7-10 дақиқа давомида қайноқ сувга ботирилади. Кейин сув дренажланади ва ошқовоқ янчилади. Қолган сув таркибида фойдали сувда эрувчан моддалар бўлганлиги учун улар қисман ошқовоқдан олинсада, асосий чўкинди қисми ошқовоқ бўтқасига қўшилади. Сув хаммомида буғлатиш усули билан ошқовоқ 5-7 дақиқа буғда пиширилади. Тўлиқ бўтқа хосил қилиш учун ошқовоқ 80°C гача бўлган ҳароратда қиздирилиши керак.

Қайнатилган ошқовоқ суви билан янчилади ва янчилган масса диаметри 1,5-2,0 мм бўлган элакда сузиб олинади. Сузиб олинган намунага консервант сифатида 65-70°C ҳароратда узлуксиз аралаштириб турилган ҳолда натрий бензоат ёки калий сорбат қўшилади. Кейин олинган ошқовоқ бўтқаси совутилади, ёпилади ва 2-4°C ҳароратда сақланади. Идишдаги бўтқа 0-20°C да сақланиши керак.


Ҳозирги кунда Андижон шаҳрида фаолият олиб бораётган ООО “СИБУС NATURAL” корхонасида йилига “ТЫКВА” номли шифобахш озиқ-овқат қўшилмасидан 50000000 (эллик миллион) сўмлик ва “НАЧИНКИ” номли шифобахш озиқ-овқат қўшилмасидан эса 1800 000000 (бир миллиард саккиз юз миллион) сўмлик махсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат қўшилмаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун ишлатиладиган хом-ашё, техник ҳаражатлар, электр энергия ва ишчи кучига сарфланадиган пул маблағларни ҳисобга олган ҳолда “ТЫКВА” номли озиқ-овқат қўшилмаси савдосидан 22 500 000 (йигирма икки миллион беш юз минг) сўм, “НАЧИНКИ” номли озиқ-овқат қўшилмасидан эса

1 285 200 000 (бир миллиард икки юз саксон беш миллион икки юз минг) сўм соф даромад олинаётганлиги келиб чиқади.

Янги ишлаб чиқилган таркибида 50% дан ортиқ ошқовоқ меваси сақлаган “ТЫКВА” номли озиқ-овқат қўшилмаси таркибида В-, С-, Е-РР-, К-гуруҳ витаминлари, калций, калий, фосфор, темир, мис, фтор, руҳ минераллари мавжуд бўлиб, биойод билан бойитилган, ушбу озиқ-овқат қўшилмасидан кунига бир ош қошиғини 100 мл илиқ сувда суюлтириб, 2-3 марта ичилади ва 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун овқатдан олдин кунига 2 марта бир чой қошиқдан истеъмол қилиш мумкин.



9-расм. Ошқовоқдан озиқ-овқат қўшилмаси ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси



10-расм. Ошқовоқ мевасидан “Начинки” тайёрлаш схемаси.

Ишлаб чиқарилган ҳар қандай товарлар кимёвий таркибига кўра синфланади ва ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича бу товарларга халқаро товар код рақами ажратилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларга Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 28-декабрдаги ПФ-3448 сонли фармонида кўра тасдиқланган ва 2018 йил 1-январдан кучга кирган ТИФ ТН га кўра халқаро товар код рақамлари берилади. ТИФ ТН нинг ушбу охириги вариантыда 21 та бўлим, 97 та гуруҳ мавжуд. 97 та гуруҳдан ташқари 3 та ( 77, 98, 99 ) гуруҳ захира сифатида қолдирилган, 21 та бўлим 1252 та позиция, 5367 та субпозиция ва 11293 та подсубпозицияларга бўлинган. ЎЗР ТИФ ТН нинг 2017 йилги вариантыда 233 та товар позицияларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Шулардан жами 36 товар позицияси қўшилган, 79 товар позицияси чиқарилган, шунингдек 3 та товар гуруҳига қўшимчалар киритилган, 205 та субпозиция қўшилган ва 43 та субпозиция чиқариб юборилган, чунки чиқариб юборилган 43 та субпозицияга кирувчи товарларга ҳозирда ташқи бозорда умуман талаб йўқ.

ТИФ ТН да ўсимлик маҳсулотлари 2-бўлимда жойлашган бўлиб, бу бўлим 6-14 гача, яъни 9 та гуруҳга бўлинган. Сабзавотлар, истеъмолга яроқли бўлган илдизмевали ва резавор мевалар 7-гуруҳда жойлашган. 2-бўлимда 14 та позиция, 17 та субпозиция ва 135 та подсубпозициялар мавжуд.

Ошқовоқ ҳам сабзавот бўлганлиги учун 9-позиция, яъни 0709 ( янги узилган ва музлатилган сабзавотлар ) позициясининг 0709 93 субпозициясида жойлашган. Бу субпозицияда ошқовоқдан ташқари қовоқ ва ошқовоқни *Cucurbita spp* навлари ҳам киритилган. Қовоқ 0709 93 100 0 рақамли подсубпозицияга киритилган бўлиб, ошқовоқнинг бошқа турларига 0709 93 900 0 подсубпозицияси ажратилган.

Тадқиқот ишини олиб бориш давомида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ошқовоқ ўсимлиги мевасидан олинган таркибида 50 % дан юқори ошқовоқ сақловчи шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга 0709 93 900 1 код рақами тавсия (4-жадвал) қилинди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасидан амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 6-ноябрдаги № 1/16-375 сонли маълумотномаси).

4-жадвал

“ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли шифобахш озиқ-овқат қўшилмаларига ТИФ ТН

бўйича тавсия қилинган код рақамлари

ТИФ ТН коди	Позицияларни номланиши
0709 93	--ошқовоқ, қовоқ ва қовоқ турига мансуб бошқа сабзавотлар ( <i>Cucurbita spp.</i> ):
0709 93 100 0	--- қовоқча
0709 93 900 0	--- бошқалар
0709 93 900 1	--таркибида 50 % дан юқори ошқовоқ сақловчи “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли озиқ-овқат қўшилмалари

## ХУЛОСАЛАР

“Таркибида йод сақловчи айрим озиқ-овқат қўшилмаларини ўрганиш ва уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация иши бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Йод танқислиги ва уни олдини олишга доир адабиётлар ўрганилиши натижалари хурмо ва ошқовоқ мевалари, ҳамда лимон пўстлоғи асосида таркибида йод сақлаган, самарали, экологик тоза, зарарсиз, табиий озиқ-овқат қўшилмалари ишлаб чиқарилмаганлиги билан изоҳланади.

2. Фотохимёвий метод ёрдамида *in vitro* шароитида хурмо, ошқовоқ ҳамда лимон пўстлоғи экстрактлари, стандарт антиоксидант бирикмалар – кверцетин ва гликлазидга нисбатан юқори антиоксидант фаолликка эга эканлиги кўрсатилди.

3. Хурмо ва ошқовоқ мевалари, ҳамда лимон пўстлоғи таркибидаги йод миқдори потенциометрик титрлаш методлари ёрдамида таҳлил қилинганда 100 г дан хурмо меваси таркибида 59,9 мкг, лимон постлоғи таркибида 0,53 мкг, ошқовоқ меваси таркибида 0,85 мкг йод моддаси йодат ҳолатида мавжуд эканлиги аниқланди.

4. Хурмо ва ошқовоқ мевалари, ҳамда лимон пўстлоғи таркибидаги йод миқдорини йодометрик титрлаш методи билан текшириш натижалари, поценциометрик титрлаш натижаларига мос эканлиги билан изоҳланади.

5. Ошқовоқнинг хурмо ва лимон пўстлоғига нисбатан юқори шифобахш хусусиятга эга эканлигини назарда тутган ҳолда, ундан таркибида йод сақлаган, самарали, зарарсиз, экологик тоза, биологик фаол озиқ-овқат қўшилмалари яратиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди.

6. Андижон шаҳрида фаолият юритаётган ООО “СИБУС NATURAL” корхонасида ошқовоқ меваси асосида тайёрланган “ТЫКВА” ва “НАЧИНКИ” номли биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши натижасида йилига ўртача 1 307 700 000 (бир миллиард уч юз етти миллион етти юз минг) сўмдан ортиқ қўшимча даромат олишга эришилди.

7. Ошқовоқ меваси асосида олинадиган ва таркибида 50% дан ортиқ ошқовоқ сақловчи озиқ-овқат қўшилмаларига ТИФ ТН бўйича 0709 93 900 1 янги товар коди таклиф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ PhD.  
03/30.12.2019.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЖИКУЛОВ АЗИЗБЕК СОБИРОВИЧ**

**ИЗУЧЕНИЕ НЕКОТОРЫХ ЙОДОСОДЕРЖАЩИХ ПИЩЕВЫХ  
ДОБАВОК И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

**02.00.09 – Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/К345**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

**Научный руководитель:**

**Аскарров Иброхим Рахмонович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ахмадалиев Махаммаджон**  
доктор технических наук, доцент

**Исаев Юсуфжон Тожимаматович**  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится “ 24 ” VI 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.К.05.01 при Ферганском государственном университете. (Адрес:150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер № \_\_\_\_). (Адрес:150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91), [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан: “ 11 ” VI ” 2021 года.

(№ реестра протокола рассылки \_\_\_\_\_ от “ \_\_\_\_\_ ” 2021 года.)



*[Handwritten signature]*

**В.У.Хўжаев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

*[Handwritten signature]*

**М.Нишонов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.тех.н., профессор

*[Handwritten signature]*

**Ш.В. Абдуллаев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н. профессор

## **Введение (аннотацияси диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы.** По всей земле из-за дефицита йода увеличивается количество пациентов, страдающих сложными заболеваниями, такими как эндемический зоб, креатинизм, гипотиреоз, умственная и физическая отсталость. Хотя были разработаны и внедрены в практику эффективные синтетические препараты для предотвращения йодной недостаточности, но всем известно что эти препараты не полностью удовлетворяют потребности всего человечества в йоде. Поэтому важно разработать и внедрить йодсодержащих, эффективных, экологических чистых, безвредных, натуральных лечебных добавок к пище на основе местных растительных источников.

В мире были разработаны и внедрены такие синтетические препараты, как «Йодорал», «Йод-актив», «Йодомарин», «Витрум Плюс» и в том числе профилактические средства, как «Йодид калия», «Микройод», «Тироидин». Эти препараты сейчас широко используются для профилактики и лечения йодной недостаточности, однако число людей страдающих йододефицитными заболеваниями среди населения растёт. Из-за этого данная ситуация требует создание и внедрение новых видов йодсодержащих и эффективных пищевых добавок. Поэтому особое внимание уделяется разработке натуральных лечебных добавок к пище на основе растительных источников, безвредных для здоровья человека и содержащих йод.

В результате научных исследований в этой области были разработаны и внедрены в практику различные биологические активные добавки к пище и синтетические препараты на основе растительных продуктов. В Стратегии действий<sup>2</sup> по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан определены важные задачи для «... дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, расширения производства экологически чистой продукции». Исходя из этого, одним из главных поставленных задач, является разработка экологических чистых, безвредных, экономических натуральных лечебных пищевых добавок на основе йодсодержащих плодов растений. Изучить их состав и свойства, классифицировать по правилам ГН ВЭД на основе химического состава, а так же одним из научно-практических проблем являются внедрение их в практику.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Решении Президента Республики Узбекистана № УП-2884 «О мерах по совершенствованию структуры управления АО Узкимёсаноат» от 12 апреля 2017 года, № УП-3983 «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан» от 25 октября 2018 года, № УП-4265 «О мерах по дальнейшему

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан».

